

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **466** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 3 октябрь,  
ПФ-4473-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги  
ПФ-4473-сонли Фармонига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомнинг 31-бандидаги «ҳафтасига икки марта» ва «бир кун ичида» сўзлари «ҳар ҳафтада» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

2001 йил 22 февралдаги ПФ–2812-сонли Фармони 6-бандининг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сонли қарори 6-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бухгалтерлик балансидан иборат молиявий ҳисобот — 1-шаклни ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шаклни — ҳар йили».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-бандининг бешинчи хатбоши, 12-бандининг бешинчи хатбоши ва 13-бандининг тўртинчи хатбошидаги «уч» сўзлари «икки» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 26-банднинг:

биринчи хатбошидаги «мазкур Низомга 4-иловада кўрсатилган шаклда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома расмийлаштиради» сўзлари «рўйхатдан ўтказувчи орган ўз муҳрини муҳр ва штамп эскизига босиш йўли билан тасдиқлайди ҳамда муҳрлар ва штампларни рўйхатга олиш китобига шу тўғрисидаги тегишли ёзувни қайд этади» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома расмийлаштириши» сўзлари «кейинчалик тасдиқланиши» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 27-бандда «тайёрлашга рухсатнома расмийлаштириш» сўзлари «эскизини тасдиқлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 28-банднинг:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга — мазкур Низомнинг 6-иловасида кўрсатилган шаклда юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани, «рўйхатдан ўтказилган» белгиси қўйилган таъсис ҳужжатларини ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизини беради;

учинчи хатбошидаги «муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани муҳр ва штамп эскизи билан» сўзлари «рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 30-банднинг:

иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахслар бўйича — давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон ҳўжаликлари бўйича — давлат солиқ хизмати органларига»;

бешинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ички ишлар органларига йўқ қилиш учун расман такдим этилади» сўзлари «рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда йўқ қилинади» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) 33-банднинг олтинчи хатбошидаги «уч» сўзи «икки» сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 34-банднинг бешинчи хатбошидаги «муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатномаларни расмийлаштириш» сўзлари «муҳр ва штамп эскизини тасдиқлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) Низомнинг 2-иловасида:

«Харакатлар» устунининг 4-босқичидаги «Тайёрлашга рухсатнома расмийлаштиради» сўзлари «эскизини тасдиқлайди» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Харакатлар» устуни 8-босқичидаги «3. Муҳр ва штампни йўқ қилишни амалга оширади» сўзлари чиқариб ташлансин;

и) 2а-илованинг «Харакат:» устуни 3-босқичидаги «тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради» сўзлари «эскизини тасдиқлайди» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) Низомнинг 4-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ–419-сонли қарорининг 8-бандидаги «хар чорак» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сонли қарори билан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рухсат гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризани такроран кўриб чиқишда, мазкур гувоҳномани беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда аввал кўрсатилмаган янги асослар бўйича рухсат гувоҳномасини беришни рад этишга йўл қўйилмайди».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ–615-сонли қарори билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низомнинг 21-банди ўн еттинчи хатбошидаги «ярим йилда» сўзи «бир йилда» сўзи билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сонли қарори билан тасдиқланган Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги низомнинг 45-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Суғурта бозорининг суғурталовчиларини ва бошқа профессионал қатнашчиларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суғурталовчиларни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан амалга оширилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг:

а) 1-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 18-бандидаги «ички ишлар» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 19-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 36-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тугатиш корхонанинг муҳр ва штампларини йўқ қилади»;

д) 44-бандидаги «ички ишлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 45-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 51-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тугатиш корхонанинг муҳр ва штампларини йўқ қилади»;

з) 58-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахснинг (мавжуд бўлса) муҳр ва штампларини йўқ қилади».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сонли қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг:

а) 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия фақат Давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина берилиши мумкин.

Чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида ер ости иншоотларини куриш ва улардан фойдаланишга ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни бериш учун шунингдек, фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкалари бўйича геологик материалларни давлат экспертизасидан ўтказиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фойдали қазилмалар захиралари Давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЗДК деб юритилади) ижобий хулосаси ҳам мавжуд бўлиши зарур»;

б) 117-банди:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечиш такроран келишиб олинишида, мазкур келишувни рад этиш тўғрисидаги қарорда аввал кўрсатилмаган янги асослар бўйича ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечишнинг келишиб олинишини рад этишга йўл қўйилмайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сонли қарори билан тасдиқланган Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги низомнинг 25-банди ўн бешинчи хатбошидаги «ярим йилда бир марта» сўзлари «бир йилда бир маротаба» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги  
ПФ–4473-сонли Фармониға  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланадиган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 19 мартдаги ПФ–1738-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сонли қарори 1-иловасининг 5 ва 6-бандлари ҳамда 2-иловасининг 5 ва 6-бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2008/2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2008 йил 19 майдаги ПҚ–868-сонли қарорининг 5-банди.\*

\* Мазкур банд 2013 йилнинг 1 январидан кучга киради.